

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУГЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Қт.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

КЕЎЖАЕВ ЮСУФ ЧИНОШЕВИЧ

**СИДЕРАТ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ, УЛАРИНИНГ ТУПРОҚ
УНУМДОРЛИГИ ВА ГЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ
(САМАРКАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**КИЇЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАКУЛТАТИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижи
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation(DSc)

Кенжаев Юнус Чинтошевич

Сидерат экинларини етиштириш, уларнинг тупрок унумдорлиги ва
ғўза хосилдорлигига таъсири (Самарканд вилояти мисолида)..... 3

Кенжаев Юнус Чинтошевич

Возделывание сидеральных культур, их влияние на плодородие
почвы и урожайность хлопчатника (на примере Самаркандской
области)..... 29

Kendjaev Yunus Chintoshevich

Cultivation of green manure crops, their impact on soil fertility and
cotton productivity (for example, Samarkand region) 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-АДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

КЕНЖАЕВ ЮНУС ЧИНТОШЕВИЧ

**СИДЕРАТ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ, УЛАРИНИҒ ТУПРОҚ
УНУМДОРЛИГИ ВА ҒУЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**КИШЛОҚ ХУЖАЛИҒИ ФАИЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуен **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Qx122** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dsuvaiti.uz) ва «Ziyounet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Оринов Раззок**
кишлок хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оponentлар: **Ўразматов Назиржон,**
кишлок хўжалиги фанлари доктори, кафта илмий ходим.

Ибрагимов Одилжон Олимжонович,
кишлок хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Намозов Фазлиддин Бахромонович,
кишлок хўжалиги фанлари доктори, кафта илмий ходим.

Етакчи ташкилот: **Мирзо Улугбек** номидаги **Ўзбекистон** миллий университети.


Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «5» 06 2020 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб утади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАЙТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: riini@agro.uz.


Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (86 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАЙТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2020 йил «27» 05 да тарқатилди.

(2020 йил «24» 04 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



 **Ш.Н.Нурматов,**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д, профессор.

 **Ф.М.Хасанова,**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.н, профессор.

 **Ж.Х.Ахмедов,**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д,
профессор.

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда органик ўғитлар билан бир қаторда дехқончиликда биологик усуллардан фойдаланишга ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Жумладан, минерал ўғитлар билан бир қаторда органик ўғитлар – гўна, чиринди, компост, кўкат ўғитлар (сидератлар)дан ҳам кенг фойдаланишмоқда. Хитой, Япония, Ҳиндистон, Афғонистон, Индонезия, Россия, Белорусия, Италия, Франция, Испания, Германия, АҚШ каби давлатларда кўкат ўғитлар тупроқ унумдорлигини ошириш воситаси сифатида қўлланишмоқда. Натижада сидератлардан келиб чиққан экинлардан 15-25%гача қўшимча ҳосил олинмоқда¹.

Дунёда аҳолининг озиқ-овқат, чорванинг ем-хашак маҳсулотларига бўлган талабини қондирадиган ҳамда тупроқ унумдорлигини оширадиган дуққакли дон, ем-хашак ва сидерат экинларини етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва уни мунтазам такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу нуқтан назардан сидерат экинларини табиий тупроқ ва агроклим шароитларини эътиборга олиб, уларни турли мақсадларда (асосий, тикрорий экин сифатида, чорва озукаси, мулчалош) етиштиришга мос турларини таниши, сидерат экинларининг ҳосили ва сифатини оширишда оптимал уруғ экин муддатлари ва туп соҳ каллибликларини қўллаш орқали юқори ишлаб биомассага эришил, етиштирилган яшил биомассани майлаш, бир текисда донга соғиш, турли муддат ва чуқурликларда тупроққа ҳайдаб ибориш орқали тупроқ унумдорлиги ва гўза ҳосилдорлигини ошириш ваби устувор йўналишларда тадқиқотлар ўтказиш долзарб вазифаларни ҳисобланади.

Республикамизнинг суғориладиган майдонларида кўкат ўғитлардан самарали фойдаланиш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш билан биргаликда ҳосил миқдори ҳамда сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш ...» муҳим стратегик вазифа қилиб белгиланган. Амалда қўлланилаётган қисқа вақтнинг алмашлаб экишда тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва оширишда сидерациянинг роли ниҳоятда катта, бу тадбир биринчидан – етилмаётган органик модда ўрнини қоплайди, иккинчидан – тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий, микробиологик хоссаларига ижобий таъсир кўрсатади. Шу

¹<http://docplayer.ru/39152883-Primenenie-kalivnyh-udobreniy-v-tazviryh-stranah-evropy-i-ameriki.html>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. www.lex.uz

сабабли сидерациядан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “2018 йил қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги ПК-3281-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги “2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 259-сон Қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атрофмуҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Оралиқ ва такрорий экинларни етиштириш ҳамда улардан сидерат максадларида фойдаланиш, уларни пахтачиликда қўллаш технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, United State Department of Agricultural (АҚШ), The University of Texas School of law (АҚШ), University of Cordoba (Испания), SCPA; ITCF; EDP Sciences (Франция), Herbert Publication Limited; Inderscience Enterprises Ltd (Англия), Springer, Part of Springer Science+Business Media; Physiological and Pharmacological Society (Германия), Agricultural Academy of Bulgaria (Болгария), Chinese Cotton Research Institute (Хитой), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон)да олиб борилмоқда.

Тупрок унумдорлиги ва гўза ҳосилдорлигини, кўкат ўғитлар (сидерация) самарадорлигини ошириш технологиясини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: оралиқ ва такрорий экинларни турли муддатларда етиштириш технологияси ишлаб чиқилган (The University of Texas School of law (АҚШ)); ушбу технология қўлланилиши ҳисобига пахта ҳосили 12-15 фоизга, тола чикими ва сифатини оширишга ҳам эришилган (Chinese Cotton Research Institute (Хитой)), (Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон)); ўсимликдаги кўпгаб физиологик-биокимёвий жараёнларга кўкат ўғитларнинг ижобий таъсири аниқланган (University of Cordoba (Испания)), (SCPA; ITCF; EDP Sciences (Франция)), (Chinese Cotton Research Institute (Хитой)), (Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон)).

Дунёда тупрок унумдорлигини сақлаш, кўкат ўғитлар самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тупрок унумдорлигини сақлаш ва оширишда

унинг органик моддасини қўпайтириш; сидерация максатида фойдаланишга ярокли, кўп масса ҳосил килувчи оралик ва такрорий экин турларини танлаш, уларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш; сидератларнинг тупроқ унумдорлигини оширишдаги, тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларини яхшилашдаги ўрни; тупроқ хоссаларини яхшиловчи агротехнологияларни такомиллаштириш; ресурс ва энергия тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш.

Муамалонинг урганилганлик даражаси. Республикамиз шароитида алмашлаб экиш, сидерациянинг тупроқ унумдорлигига, хоссаларига, ғўза ва бошқа экинларнинг ўсishi, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири Е.Горелов, Р.Орипов, Б.Халиков, Дж.Едгоров, Т.Хамракулов, Т.Ш.Мансуров, Р.Телляев, Ф.Намозов, Б.Избосаров, Н.Усмонов, хориж олимлари Е.К.Алексеев, А.М.Гаврилов, К.И.Довбан, M.Astier, E.P.Nishimoto, R.P.Larkin, M.Tejada, H.M. Taylor, T.Fan томонидан кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилган.

Кейинги йилларда суғориладиган тупроқларда кузги бугдой+оралик экин+ғўза навбатлаб экиш тизимида қўлланилган сидерат экинларининг тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигига самарали таъсирини ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти ортиб бормоқда, бунда ғўза ва ғалла навбатлаб экиш тизимида кузги бугдой+оралик экинларни парваришlashда тупроқ-иклим ва ҳўжалик шароитларидан келиб чиққан ҳолда сидерат экинларини турли (ёзги ва кузги) муддатларни етиштиришда экиш муддати ва меъёрларини аниқлаш, сидерациядан сўнг экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда тупроқ унумдорлиги яқинлашиши таъминлашдан тизинишлар талаб этилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-073 «Самарқанд вилояти шароитида кўкат ўғитларни тупроқ унумдорлиги, ғўза ҳосилдорлиги ва толаннинг сифат кўрсаткичларига таъсири» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа ҳамда Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ДИТД-7 «Тупроқлар экологиясини ўрганиш, унумдорлигини ошириш, экин навларини тадқиқ қилиш ва уларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш» (2011-2015 йй.) мавзусидаги илмий-амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг максати Самарқанд вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида сидерат экинларини ёзги ва кузги экиш муддатлари ҳамда туп сони қалинлигини аниқлаш, уларнинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсирини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Самарқанд вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида сидерат экинларининг ёзги ва кузги экиш муддатлари ва туп сон қалинлигини аниқлаш;

турли муддат ва меъёрларда экилиб, парваришланган сидерат экинларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини аниқлаш;

оптимал муддат ва меъёрларда экилиб парваришланган сидератларни тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий, микробиологик хоссаларига, бегона ўтлар ва ёмғир чувалчанглари сони ҳамда ғўзанинг вилт касаллигига таъсирини аниқлаш;

турли муддат ва меъёрларда экилиб парваришланган сидерат экинлар таъсирида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, илдиз тизимининг шаклланиши, фотосинтетик фаолияти, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатининг ўзгаришини тадқиқ қилиш;

пахтадан мўл ҳосил олишда турли муддатларда етиштирилган сидератлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари, ғўзанинг Давлат реестрига киритилган, ўртапишар «С-8284» нави, сидерат экинларидан хашаки нўхатнинг «К-295» (хашаки нигретум) намунаси, горохнинг «Осиё 2001», рапснинг биологик кузги «Лорис» ва баҳорги рапснинг «Викинг-ВНИИМК», арпанинг «Темур» навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб сидератлар экишнинг турли муддат (ёзги-кузги ва ҳар хил декадалар) ва меъёрлари, уларнинг ўсиши, ривожланиши, яшил биомасса ҳосилдорлиги, уларни қўллашнинг тупроқ агрофизикавий, агрохимёвий, микробиологик хосса-хусусиятлари бегона ўтлар, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилнинг шаклланиши ва самарадорлиги ҳамда ғўзанинг вилт касаллигига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лаборатория тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатишлар, биометрик ўлчовлар ва ҳосилни аниқлашда “Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником в условиях орошения”, “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Ўсимликшуносликда илмий тадқиқот ишлари” услубий қўлланмаларидан фойдаланилган. Тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий таҳлиллари “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” услублари асосида олиб борилган. Дала тажрибаларида олинган маълумотлар Б.А.Доспехов услубига асосан Microsoft Excel дастури ёрдамида математик статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ердан, куёш энергиясидан самарали фойдаланиш мақсадида ёзги ва кузги муддатларда сидерат экинлар парваришланиб, улардан юқори ҳосил етиштириш ҳамда ЕФК ва Кфар ошиши илмий жиҳатдан асосланган;

сидерат экинларини ёз ва кузда экишнинг оптимал муддатлари ҳамда меъёрлари ишлаб чиқилган;

ёзги ва кузги сидератлар экиннинг турли муддатлари ва туп сон қалинлигига боғлиқ ҳолда ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги аниқланган;

ёзги ва кузги қулай муддат, меъёрларда экилиб парваришланган сидератлар таъсирида тупрок унумдорлигининг барқарор сақланиши ҳамда нисбатан ортиб бориши исботланган;

ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида кузги сидерацияга нисбатан ёзи сидерациянинг устунлиги, тупроқнинг хосса-хусусиятларига, таъсири юқорилиги илмий жиҳатдан асосланган;

ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ёзги ва кузги сидерациянинг таъсири ўзаро қиёсий таҳлил қилинган ҳамда сидерат сифатида рапс ва арпанинг таъсири бошқа экинларга нисбатан юқорилиги аниқланган;

ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишда ёзи ва кузги муддатларда сидератларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида сидератларни парваришlash орқали ердан, қўшиб энергиясидан йил давомида узлуксиз ва самарали фойдаланиш, уларнинг органик қолдиқлари ҳамда яратилган фонларга боғлиқ ҳолда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ижобий таъсири аниқланган;

сидерат экинларини ёзда ғалладан бўшаган майдонларга оптимал экин муддати 10 июль, кузда эса ғўзадан бўшаган майдонларда оптимал экин муддати 10 октябрь эканлиги аниқланган. Шунингдек, туп сон қалинлиги гектарига горох ва нўхатни 900 минг дона, рапсни 2,5 млн. дона, қиёсий 3,5 млн. дона бўлиши аниқланган. Бунда, энг юқори кўрсаткичлар сидерат сифатида қўлланилган арпа ва рапс вариантларида бўлиб, ғўза ҳосилдорлиги ёзги сидерацияда 39,5-41,3 ц/га ва кузги сидерацияда 36,8-37,4 ц/га, горох ва арпа қўлланилган вариантларда тегишлича 38,3-40,1 ва 35,7-36,3 ц/га ёки назорат вариантдагига нисбатан 5,3-7,1 ва 4,7-5,3 ц/га ҳамда 5,1-6,9 ва 4,6-5,2 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

мазкур агротехнологияларни қўллаш орқали тупрок унумдорлигининг сақланиши, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши яхшиланиши ҳисобига ғўза ҳосилдорлигини юқори бўлиши, ўз навбатида, унинг рентабеллик даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатган, яъни ёзги сидератлар (рапс ва арпа) қўлланилганда 129,1-143,5%, кузги сидератлар қўлланилганда 114,4-127,8% бўлиши ёки горох ва арпа қўлланилганда эса 135,5-145,8% ва 124,9-133,3% ташкил этиб (назоратга нисбатан ёзги сидератларда 15,2-29,5%, 12,4-21,5%, кузги сидератларда 15,9-26,2%, 15,3-23,7% га) рентабелликнинг юқори бўлишига имконият яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги, махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот

натижаларининг аниқлик доираси, улар математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги, диссертация ишида қўлланилган услуб ва тадқиқотларнинг бажарилишга мос келиши, уларни бир-бирини ўзаро тўлдирувчанлигидан фойдаланилганлиги, ваколатли муассасалар томонидан тадқиқот натижаларининг самарали эканлиги ва амалиётга жорий этилганлигининг тасдиқланганлиги, адабиётлар тахлилида келтирилган маълумот ва иқтибосларнинг ҳаққонийлиги ҳамда республика ва халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Самарқанд вилоятининг эскидан сугориладиган, ўтлоки-бўз тупроқлари шароитида фермер хўжалиklarининг қисқа навбатли (ғалла+оралиқ экин+ғўза ҳамда ғўза+оралиқ экин+ғўза) алмашлаб экиш даласида сидерат экинларини қўллаш (етиштириш усулларини қўллаш орқали юқори яшил биомасса олишга эришиш) бўйича илмий маълумотлар тўпланганлиги ҳамда тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлиги бевосита қўлланилган агротехник тадбирларга боғлиқ ҳолда ўзгариши илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Самарқанд вилоятининг эскидан сугориладиган, ўтлоки-бўз тупроқлари шароитида фермер хўжалиklarининг қисқа навбатли алмашлаб экиш даласида ёзда ғалла ва кузда ғўзадан бўшаган майдонларга сидерат экинларини (горох, нўхат, рапс ва арпа) олғимал экиш муддатлари ва тул сон катинлигини қўллаш технологияси ишлаб чиқилиб, жорий этилганлиги, бунинг натижасида ғўзадан юқори ҳосил олиш орқали янада кўпроқ иқтисодий даромадга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сидерат экинлари етиштириш, уларнинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

“Қисқа навбатли ғўза-ғалла алмашлаб экишда сидерациядан фойдаланишга оид тавсиялар” ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 02/041-3353 - сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома қишлоқ хўжалиги соҳасида, жумладан фермер хўжалиklarида ва илмий муассасаларда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

горох, нўхат, рапс ва арпадан сидерат сифатида фойдаланишда уларни қисқа навбатли ғўза-ғалла алмашлаб экишда ёзда (10 июль) ғалладан бўшаган майдонларда етиштириш агротехнологияси Самарқанд вилояти ўтлоки-бўз тупроқлар шароитида 11 гектар майдонда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 02/041-3353 - сонли маълумотномаси). Натижада, ёзда (10 июль) экилган рапсдан 45,58 т/га, нўхатдан 14,35 т/га, горохдан 13,47 т/га, арпадан 36,42 т/га

яшил биомасса етиштирилган. Уларнинг гуллаш-мева тугиш фазасида ҳосил бўлган яшил биомассани сидерат сифатида кузда ҳайдаб юбориш орқали тупрокнинг хосса-хусусиятлари яхшиланган;

горох, нўхат, рапс ва арпадан сидерат сифатида фойдаланишида уларни киска навбатли алмашлаб экишда кузда (10 октябрь) гўзадан бўшаган майдонларда етиштириш агротехнологияси Самарканд вилояти Утлоқи-Буз тупроқлар шароитида 10,7 гектар майдонда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 02/041-3353 - сонли маълумотномаси). Натижада, кузда (10 октябрь) экилган рапсдан 18,41 т/га, нўхатдан 6,32 т/га, горохдан 6,17 т/га, арпадан 13,72 т/га яшил биомасса етиштирилган ҳамда уларнинг гуллаш-мева тугиш фазасида ҳосил булган яшил биомассани сидерат сифатида баҳорда ҳайдаб юбориш орқали тупрокнинг хосса-хусусиятлари яхшиланган;

Самарканд вилояти шароитида киска навбатли гўза-ғалла навбатли экишда ёзда ғалладан бўшаган майдонларда (10 июль) сидерат экинларидан горох ва нўхатни гектарига 900 минг, рапсни 2,5 млн. ва арпани 3,5 млн дона ҳисобидан экиш ва парваришлаш технологияси 21,5 гектар майдонда, кузда гўзадан бўшаган майдонларда (10 октябрь) эса шу туп калинликлари 13,6 гектар, жами 35,1 гектар майдонда синалган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 02/041-3353 - сонли маълумотномаси). Натижада, сидерат экинлари етиштириш орқали тупрокнинг 15-40 т/га микдордаги органик ўғит (нўхат ўғит) билан бойиши, тупрок унумдорлиги, дондорлиги ошиши кўрсатилиб, тупрокнинг ҳажм массаси 0-20 ва 20-40 см. қатламларда мос равишда ўртача 0,07 ва 0,06 т/см³; 0,10 ва 0,09 г/см³ га камайиши таъминланган;

киска навбатли гўза-ғалла алмашлаб экишда ёзда (10 июль) ғалладан бўшаган 15,4 гектар ва кузда (10 октябрь) гўзадан бўшаган 9,3 гектар майдонларда сидерат экинлари экиш ва етиштириш агротехнологияси, жами 24,7 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 02/041-3353 - сонли маълумотномаси). Натижада гўзанинг ўсиши, ривожланиши оптималланиши, илдиз тизимининг яхши шаклланиши, ҳосил тўплаши яхшилланиб, гўзадан назорат-сидератсиз вариантга (31,6-34,5 ц/га) нисбатан ёзда 5,3-7,1 ц/га, кузда 3,4-4,6 ц/га қўшимча ҳосил олинганга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили СамҚХИ ва Тошкент давлат аграр университетининг махсус комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари йиллик ҳисоботларда баён этилган, университетнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг илмий натижалари бўйича халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоғ этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, 2 та мақола халқаро конференция тўпламларида нашр этилган. Шунингдек, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати баён қилинган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Сидерат экинларини етиштириш технологияси ва турли агротехнологик тадбирлар орқали тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий асослари**» деб номланган биринчи бобда мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, сидерат экинларини оптимал экиш муддати ва меъёрини аниқлаш, уларнинг тупроқ унумдорлигини тиклаш, саклаш ва оширишда ҳамда ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича илмий изланишлар олиб боришнинг зарурияти асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш тупроқ-иқлим шароитлари, услублари, объекти, предмети ва агротехнологияси**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот ишлари олиб борилган Самарқанд вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқ ва иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари, тадқиқ этилган сидерат экинлар ва ғўза нав тавсифи ҳамда ўтказилган агротехник тадбирлар баён этилган. Таҷриба даласи тупроғи эскидан сугорилиб келинадиган ўтлоқи-бўз тупроқ, маданийлашган, механик таркибига кўра ўртача кумок, 0-20 см ва 20-40 см қатламларида гумус миқдори 0,94-0,72%, умумий азот 0,094-0,076%, фосфор 0,16-0,12%, калий 2,9-1,5% ни ташкил этган. Ушбу озика элементлари миқдорлари тупроқнинг ҳайдов ости қатламида бироз камлиги аниқланган. Тупроғи шўрланмаган, сизот сувлар сатҳи 3-4 м чуқурликда жойлашган.

Тупроқнинг 0-20 ва 20-40 см қатламларида ҳаракатчан шаклдаги азот миқдори 11,8 ва 9,2 мг/кг, фосфор 21,3-14,5 мг/кг, калий 201-196 мг/кг бўлиши аниқланган. Олинган маълумотларга кўра, таҷриба даласи тупроғи ҳаракатчан шаклдаги, фосфор ва калий билан кам таъминланган.

Самарқанд вилояти иқлим шароити континентал ва қуруқ. Лекин, вилоятнинг текислик қисмидан тоғ минтақалари томон ҳаво ҳарорати

пасайиб бориши, атмосфера ёгинлари миқдори эса аксинча кўпайиши баён қилинган. Вилоятда энг совуқ кунлар январь-февраль ойларида кузатилиб, ўртача ҳаво ҳарорати $-0,4-2,5^{\circ}\text{C}$ ни, энг юқори кўрсаткич июнь-июль ойларида тегишлича $24,8-32,8^{\circ}\text{C}$ кузатилган. Ёгингарчиликлар миқдори ўртача $151,5-246,6$ мм. ни ташкил этиб, унинг асосий қисми февраль, март, апрель ойларига туғри келиши ва ҳавонинг нисбий намлиги ўртача $41,2-47,5\%$ ни ташкил этиши қайд этилган.

Тупрок таркибидаги гумус – И.В.Тюрин, ялли НРК – И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко, нитрат шаклидаги азот – Грандвальд-Ляжу, аммоний шаклидаги азот – Несслер реактивида, ҳаракатчан фосфор – Б.М.Мачигин, алмашинаувчан калий – П.В.Протасов усулиларида аниқланган.

Тажриба даласи тупроқнинг механик таркиби $0-20$ см ва $20-40$ см қатламда амал даврининг боши ва охирида Н.А.Качинский буйича: ҳажм массаси цилиндр усулида Н.А.Качинский буйича, солиштирма масса пикнометр усулида; тупроқнинг сув ўтказувчанлиги эгит усулида; тупроқ намлиги (%) термостат-тарози усулида.

Биринчи тажриба – 2012-2013 йилларда пайкалда горох, нўхат, рапс ва арпа ўсимликларида ёгин ва кузги муддатларнинг ҳар бирида турли туп сон қалинлиги буйича 5 та вариант, 4 такрорликда синовдан ўтказилди. Тажрибадаги ҳар бир пайкалнинг юзаси 48 м^2 (узунлиги 10 м, эни $4,8$ м), ҳисобланадиган майдон 24 м^2 бўлиб, пайкаллар систематик равишда бир ярусли қилиб жойлаштирилди.

Иккинчи тажриба – 2012-2013 йилларда аниқланган оптимал туп сон қалинлигини ҳисобга олган ҳолда 2013-2014 йилларда ёзда ва кузда горох, нўхат, рапс ва арпа ўсимликларини турли муддатларда экин тажрибалари 3 та вариант, 4 такрорликда синовдан ўтказилди. Тажрибадаги ҳар бир пайкалнинг юзаси 48 м^2 (узунлиги 10 м, эни $4,8$ м), ҳисобланадиган майдон 24 м^2 бўлиб, пайкаллар систематик равишда бир ярусли қилиб жойлаштирилди.

Учинчи тажриба – 2015 йилда ёзда галла, кузда гўзадан бўшаган майдонларга 2012-2014 йиллардаги дала тажрибасидан танланган энг оптимал вариантлар асосида 2016 йил пахта ҳосили етиштириш учун фон ташкил қилинган. Тажрибада ўрта толали «С-8284» гўза нави чигити экилган. Дала тажрибалари 5 вариант, 4 такрорликда синовдан ўтказилган. Тажрибадаги ҳар бир пайкалнинг юзаси 240 м^2 (узунлиги 50 м, эни $4,8$ м), ҳисобланадиган майдон 120 м^2 бўлиб, пайкаллар систематик равишда бир ярусда жойлаштирилган ва илмий тадқиқот ишлари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) буйича ўтказилган.

Тажрибада азотли ўғит сифатида аммиакли селитра, фосфорли ўғит сифатида аммофос, калийли ўғит сифатида калий хлориди ишлатилган. Минерал ўғитлар йиллик меъёри $\text{N}_{200}\text{P}_{140}\text{K}_{100}$ кг/га бўлиб, $1:0,7:0,5$ нисбатда қўлланилган.

Тажрибада сидерат экинлари турли туп сон қалинликлари, экин муддатлари ўрганилган ҳамда экиннинг оптимал туп сон ва муддатлари аниқлаб олинган. Пахта ҳосили етиштириш учун фон яратилган. Экилган гўзанинг ривожланиш фазалари, биометрик ўлчовлари, ҳосил шохлари ва

кўсақлар сони, фотосинтез соф маҳсулдорлиги бўйича ўлчовлар ўтказилган. Ёўза ҳосилдорлиги ҳисобланиб, толанинг барча технологик сифат кўрсаткичлари, шунингдек, тола чикими ҳам аниқланган. Толанинг технологик сифат кўрсаткичлари Самарқанд вилоятидаги ҳудудий «Сифат» лабораториясида таҳлил қилинган. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари Microsoft Excel компьютер дастурида Б.А.Доспехов (1985) услуби бўйича статистик қайта ишланиб, дисперсион таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Турли туп сон қалинлиги ва экиш муддатларининг сидерат экинлари биомасса ҳосилдорлигига таъсири» деб номланган учинчи бобида тажрибада ёзда ёппасига экилган горох вариантларида 1 м² майдонда ўсимлик туп сони 30 ва 60 дона бўлганда, ўсимлик бўйи ва яшил масса ҳосили юқори бўлган, бироқ туп қалинлиги бирмунча сийрак бўлганлиги оқибатида тўпланган яшил биомасса 578 ва 1054 г бўлиб, 90 дона туп қалинлигига нисбатан яшил масса ҳосилдорлиги 868-392 г кам бўлган ёки 1 м² майдонда 120 ва 150 дона бўлганда ҳам ўсимлик бўйи паст ва поялари ингичка бўлиши, ўсимлик яшил массаси ҳосили кам бўлишига олиб келган.

Тажрибада ёзда (10 июль) горох, нўхат, рапс ва арпа экилган вариантларда 10 000 м² майдонда туп қалинлиги горох, нўхат ўсимликларида 900 минг дона, арпада 3,5 млн. дона ва рапсда 2,5 млн. дона бўлганда горох - 14,46 т/га; нўхат- 15,50 т/га; арпа-38,90 т/га; рапс- 50,58 т/га биомассага эришилган.

Шу билан бирга, кузда (10 октябрь) ҳам юқоридаги туп сони қўлланилганда горох- 6,41 т/га, нўхат-7,13 т/га, рапс-22,48 т/га, арпада 17,22 т/га биомассага эришилган.

Ёзги ва кузги муддатларда сидерат экинларини оптимал туп сон қалинлиги 1 м² майдонда горох, нўхат ўсимликларида 90 дона, рапсда 250 дона, арпада 350 дона бўлганда энг оптимал ҳисобланиб, ёзги сидератлардан 3890-5058 г, кузги сидератлардан 1722-2248 г биомасса етиштирилган.

Тажрибада галладан бўшаган майдонларда турли сидерат экинлар ёзда 10 июль, 20 июль, 30 июль, кузда эса 10 октябрь, 20 октябрь, 30 октябрь муддатларида экиб ўрганилганда, 10 июлда экилган горох ўсимлигини ерга яшил биомасса сифатида кўмиш олдидан ўсимлик бўйи ўртача 116,9 см, ўсимлик яшил массаси 1454 г ёки гектарига 14,54 тоннани ташкил этган. Бу 20 июлда экилганга нисбатан горох ўсимлигининг бўйи 2,7 см, ўсимлик массаси 44 г, яшил биомасса ҳосили 0,44 т/га кўп бўлган бўлса, 30 июлда экилганга қараганда ўсимлик бўйи 4,8 см, яшил массаси 252 г ёки гектарига 2,52 т/га зиёд яшил биомасса тўплашга имкон берган. Худди шунингдек, ушбу қонуният нўхат, арпа ва рапс экилган вариантларда ҳам кузатилди. 20 ва 30 июлда экилган вариантларга нисбатан 10 июлда экилган нўхат вариантларида 0,44-1,26 т/га, арпада 2,0-6,64 т/га ва рапсда 2,19-8,95 т/га яшил биомасса ҳосили кўп бўлган (1-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда, ёзда (10 июль) галладан бўшаган майдонларга сидерат сифатида горох, нўхат, рапс ва арпа экилганда энг юқори яшил биомасса ҳосилдорлигига эришилиб, гектаридан 14,54-52,92 т ни ташкил

этди, нисбатан яшил биомасса ҳосилдорлиги 20 июлда кузатилиб, яшил биомасса ҳосилдорлиги 14,10-50,73 т/га га етган (1-жадвал).

1-жадвал
Ёзги экин муддатларининг сидерат экинлари бўйи ва ҳосилдорлигига таъсири (2014-2015 йй.)

№	Ёшил муддати	1 м ² майдонда тул сони, дона	Ўсимлик бўйи, см			1 м ² майдонда тул сони, дона (ерга ҳайдаш олдида)	Яшил масса, т/га ¹			Ҳосилдорлик, т/га
			V	tCx	V,%		ер усти	ер ости	Жами	
Горох										
1	10 июль	90	116,9	6,3	5,4	88	1192	262	1454	14,54
2	20 июль		114,2	6,1	5,3	86,5	1156	251	1410	14,1
3	30 июль		112,1	6,6	5,9	85	986	216	1202	12,02
Нухат										
1	10 июль	90	52,6	3,1	6	88	1247	274	1521	15,21
2	20 июль		50,1	3,1	6,2	86,5	1211	266	1477	14,77
3	30 июль		47,7	2,7	5,8	84	1144	251	1395	13,95
Рапс										
1	10 июль	250	115,4	7,1	6,2	248,5	4339	953	5292	52,92
2	20 июль		112,1	6,6	5,9	246	4160	913	5073	50,73
3	30 июль		108,6	6,7	6,2	242,5	3606	791	4397	43,97
Арпа										
1	10 июль	350	80	4,5	5,6	348	3236	710	3946	39,46
2	20 июль		78,9	4,4	5,6	345,5	3072	674	3746	37,46
3	30 июль		76,9	4,2	5,5	342,5	2691	591	3282	32,82

	2014 й.				2015 й.				
	Горох	Нухат	Рапс	Арпа	Горох	Нухат	Рапс	Арпа	
S ₂ %	3,13	3,41	3,45	3,46	S ₂ %	4,01	2,71	3,58	3,59
ЭКИФ ₀₃	2,28	2,44	4,55	3,92	ЭКИФ ₀₃	2,54	2,20	4,56	3,91

Кузда турли сидерат экинларини 10, 20, 30 октябрь муддатларида экиб ўрганилганда, 10 октябрда экилган горох, нухат, рапс ва арпа вариантларида ҳосилдорлик юқори бўлиши, шунингдек, 20 ва 30 октябрда экилган вариантларга нисбатан горох вариантыда яшил биомасса ҳосилдорлиги 0,40-

0,77 т/га, нўхатда 0,34-1,02 т/га, рапсада 0,5-2,78 т/га ва арпада эса 1,35-2,62 т/га кўп бўлган (2-жадвал).

2-жадвал

Кузги экиш муддатларининг сидерат экинлари бўйи ва ҳосилдорлигига таъсири (2014-2015 йй.)

№	Экиш муддати	1 м ² майдонда туп сон, дона	Усимлик бўйи, см			1 м ² майдонда туп сон, дона (ерга хайлаш олдидан)	Яшил масса, г/м ²			Ҳосилдорлик, т/га
			\bar{x}	tSx	V, %		ер усти	ер ости	жами	
Горох										
1	10 октябрь	90	79,4	4,1	5,2	87	528	116	644	6,44
2	20 октябрь		77,2	3,7	4,9	85	495	109	604	6,04
3	30 октябрь		73,2	3,7	5	82	465	102	567	5,67
Нўхат										
1	10 октябрь	90	39,3	1,9	4,8	87	581	128	709	7,09
2	20 октябрь		35,6	1,7	4,9	86	554	122	675	6,75
3	30 октябрь		33	1,7	5,2	82	498	109	607	6,07
Рапс										
1	10 октябрь	250	97,1	5,2	5,4	246	1838	403	2241	22,41
2	20 октябрь		89,6	4,6	5,2	244,5	1797	394	2191	21,91
3	30 октябрь		84,4	4,6	5,5	242,5	1610	353	1963	19,63
Арпа										
1	10 октябрь	350	56,6	2,8	5	347	1533	336	1869	18,69
2	20 октябрь		54,7	2,7	4,9	345,5	1422	312	1734	17,34
3	30 октябрь		53,2	2,6	4,9	342	1318	289	1607	16,07

2014 й.					2015 й.				
	Горох	Нўхат	Рапс	Арпа		Горох	Нўхат	Рапс	Арпа
S _g %	3,29	3,45	3,46	3,47	S _g %	3,50	3,20	3,30	7,05
ЭКИФ ₀₅	1,52	1,66	2,98	2,67	ЭКИФ ₀₅	1,62	1,60	2,90	3,72

Кузда экилган сидерат экинларида ҳам юкори биомасса ҳосилдорлиги 10 октябрь муддатида экилганда кузатилиб, бунда 6,44-22,41 т/га ни ташкил этди, кейинги ўринда эса 20 октябрда кузатилди. Бунда яшил биомасса ҳосилдорлиги 6,04-21,91 т/га бўлган.

2015-2017 йилларда ёзда кузги буғдойдан бўшаган майдонларга 10 июлда ва 2016-2018 йилларда гўзадан бўшаган майдонларга кузда, 10 октябрда горохни гектарига 900 минг, нўхатни 900 минг, рапсни 2500 минг ва арпани 3500 минг дона ҳисобида парваришлаб, яшил биомасса етиштирилган. Етиштирилган яшил биомасса тупрокка майдалаб кеч куз ва эрта баҳорда кўмиб юборилиб, баҳорда чигит экилган.

2017 йилда ўтказилган тажрибаларда сидерация максидида ёзги муддатда парваришланган нўхатнинг бўйи ҳайдаш олдида 49,0-54,8 см, ўртача 51,8 см ни ташкил этган бўлса, кузги муддатда парваришланган нўхатнинг бўйи 30,3-34,5 см, ўртача 32,4 см бўлганлиги ҳисобга олинган. Бошқа тажриба йилларда ҳам аналогик натижалар қайд қилинган. Шунга кўра, яшил биомасса ҳосилдорлиги ёзги муддатда парваришланган нўхатда 15,62 ц/га ни, кузги муддатда парваришланганида эса 6,42 ц/га ни ташкил этган. Ушбу қонуният горох, рапс ва арпа экилган вариантларда ҳам кузатилган.

Тадкилот ўтказилган 2015-2018 йиллар давомида вилоят шароитида тушаётган ФАР миқдори ўртача 70,4-70,8 ккал/см² ни ташкил этган. Сидерат экинларининг бутун вегетацияси давомида тушаётган ФАРни фотосинтез жараёнида ўзлаштирилганлиги эъвазига 14,8-49,9 т/га яшил биомасса етиштирилган. Ҳисоблашлар кўрсатишича, етиштирилган биомасса учун ФАРдан 0,84 ва ундан юқори фойдаланилган. Демак, сингалган сидерат экинлар ФАРдан фойдаланиш коэффициенти охирида деҳқончиликнинг асосий ва ягона йулларидан бири ҳисобланади.

Диссертациянинг «Сидерациянинг тупроқ хоссалари ўзгаришига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида тупроқ дондорлиги ва сувга чидамли агрегатлар, тупроқнинг умумфизик хоссалари, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, тупроқ намлиги, тупроқ озиқа режими, тупроқ микрофлораси ва сидератларнинг бегона ўтларга таъсири баён қилинган.

Ўтказилган таҳлилларда сидерациядан сўнг гўза вегетациясининг бошида 10-0,25 мм ўлчамдаги агрегатлар улуши Ёзги мuddатда парваришланган сидерат экинлар вариантларида назорат-сидератсиз вариантдагига нисбатан тупроқнинг 0-20 см қатламида 2,96-6,9%ни зиёд бўлган бўлса, кузги мuddатда парваришланган сидерат экин турлари вариантларида эса 3,37-8,01%га зиёд бўлиб, бунда энг юқори фарқ нўхат ва горох экинлар вариантларида кузатишган. Бироқ ушбу кўрсаткич бўйича Ёзги ва кузги мuddатларда парваришланган сидератларнинг таъсири баҳорда деярли фарқланмаганлиги аниқланган.

Тупроқнинг 20-40 см қатламида эса 10-0,25 мм ўлчамдаги агрегатлар улуши хайдов қатламидагидан фарқ қилиб, Ёзги мuddатдаги дала тажрибалари назорат-сидератсиз вариантда 66,97%ни ташкил этган бўлса, кузги мuddатдаги дала тажрибаларида эса 63,72% бўлиб, сидератлар қўлланилган вариантларида бу кўрсаткич тегишлича 69,01-72,53 % ва 67,59-71,0% оралиғида бўлган. Тупроқнинг 20-40 см қатламида эса унинг улуши нўхат ва рапс вариантларида назорат-сидератсиз вариантдагидан юқори бўлган.

Гўза вегетацияси охирида тупроқнинг 0-20 см қатламида агрономик қимматли агрегатлар миқдори Ёзги ва кузги мuddатларда парваришланган сидератлар орасида рапсда энг юқори бўлиб, тегишлича 68,36 % ва 67,45%ни ташкил этган бўлса, 20-40 см қатламда тегишлича 69,92 % ва 68,60% бўлганлиги аниқланган.


Гўза вегетациясининг бошида 10-0,25 мм ўлчамдаги агрегатлар тупроқнинг 0-20 см қатламларида Ёзги мuddатдаги дала тажрибасида назорат-сидератсиз вариантларида 64,80%ни ташкил этган бўлса, вегетация охирида эса 59,14% бўлганлиги, яъни 5,66%га камайганлиги аниқланган. Сидерация қўлланилган вариантларида эса 10-0,25 мм ўлчамдаги агрегатлар улушининг ошиши, энг юқори кўрсаткич эса рапс, нўхат вариантларида, нисбатан юқори кўрсаткичлар арпа, горох вариантларида қайд этилган.

Ёзги мuddатдаги дала тажрибаларида сидератлар қўлланилган вариантларида гўзани биринчи суғориш олдида тупроқ ҳажм массаси (0-20 см ва 20-40 см тупроқ қатламларида назорат-сидератсиз вариантга нисбатан тегишлича 0,06-0,08 г/см³ ва 0,05-0,07 г/см³ га кам бўлганлиги аниқланган.

Тупрокнинг 0-20 см ва 20-40 см қатламларида ҳажм массанинг назорат-сидератсиз вариантга нисбатан энг кўп камайиши ($1,19 \text{ г/см}^3$ ва $1,22 \text{ г/см}^3$ ёки $0,08 \text{ г/см}^3$ ва $0,07 \text{ г/см}^3$) сидерат сифатида рапс вариантыда кузатишган. Тупрок ҳажм массасини 0-20 см қатламида нисбатан кўпроқ камайиши ($1,20 \text{ г/см}^3$ ва $1,23 \text{ г/см}^3$) арпа вариантыда қайд этилган ва назорат-сидератсиз вариантга нисбатан ҳажм масса $0,07 \text{ г/см}^3$ дан $0,06 \text{ г/см}^3$ гача камайганлиги аниқланган.

Ҳар иккала экиш муддатларида ҳам ўсув даврида охириги сугориш олдидан тупрок ҳайдов қатлами (0-20 см ва 20-40 см)да ҳажм массани энг кам ортиши ($1,20 \text{ г/см}^3$; $1,25 \text{ г/см}^3$ ва $1,25 \text{ г/см}^3$; $1,27 \text{ г/см}^3$) рапс вариантыда кузатилиб, назорат-сидератсиз вариантга нисбатан $0,08 \text{ г/см}^3$; $0,07 \text{ г/см}^3$ ва $0,07 \text{ г/см}^3$; $0,07 \text{ г/см}^3$ га камайганлиги аниқланган.

Шундай қилиб, назорат-сидератсиз вариантда гўзани биринчи ва охириги сугориш олдидан ҳайдов қатламда ҳажм массанинг ортиб бориши кузатилса, сидерат вариантларида тупрок ҳажм массасининг деярли ўзгармаганлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Ўтлоқи-бўз тупроқларнинг умумфизик хоссаларига сидерациянинг таъсири, г/см^3 (2014-2017 йй.)

Солиштирма масса тупроқнинг устки 0-20 см қатламида $2,63 \text{ г/см}^3$, 20-40 см қатламда эса $2,70 \text{ г/см}^3$ эканлиги, шунга кўра, тупрок говаклиги ҳисобланганда ўртача 3 йилда ёзги муддатдаги дала тажрибасида биринчи сугориш олдидан 0-20 см қатламда 51,9-55,6%, 20-40 см қатламда 51,9-54,5% бўлган бўлса, охириги сугориш олдидан эса 0-20 см қатламда 52,2-55,2% ва 20-40 см қатламда 50,7-53,4%ни ташкил қилган. Кузги муддатдаги дала тажрибаларида ҳам аналогик натижалар қайд этилган.


Ёзги муддатда сидератлар парваришланган вариантларида тупроқнинг аэрация даражаси гўзани биринчи сугориш олдидан тупроқнинг 0-20 см қатламида 30,7-32,5%, 20-40 см қатламда эса 22,2-25,1% ни ташкил этган бўлса, кузги муддатда сидератлар парваришланган вариантларида тегишлича 18,6-23,9% ва 20,6-24,7% бўлганлиги аниқланган. Гўзани охириги сугориш олдидан ўтказилган таҳлилларда тупроқнинг аэрация даражаси ёзги муддатда сидератлар парваришланган вариантларида тупроқнинг 0-20 см қатламида 34,8-36,6%, 20-40 см қатламида эса 24,0-27,2%ни ташкил этган бўлса, кузги

муддатда сидератлар парваришланган вариантларида қатламларга мос равишда 21,5-29,9 ва 23,0-25,7% бўлган.

Тупрокнинг сув ўтказувчанлиги биринчи суғориш олдидан назорат-сидератсиз, горох, нухат, рапс, арпа вариантларда (ўртача уч йилда) 1- соатда мос равишда: 151,5; 153,6; 155,5; 168,0 ва 165,1 м³/га ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар тажрибанинг 3- соатида эса 102,9; 103,8; 105,7; 124,5 ва 119,3 м³/га ёки тажриба вариантлари тупроклари 3 соат давомида гектар ҳисобига ўртача 381,3; 389,8; 394,9; 434,1 ва 421,3 м³/га сувни ўз юзасига сингдирганлиги аниқланган. Кейинги 4-5-6 соатларда тупрокларни сув ўтказиш хусусиятининг бирмунча сусайиб, вариантлар бўйича ўртача 3 соат мобайнида 244,2; 249,4; 256,0; 291,8 ва 280,8 м³/га ёки жами 6 соат давомида мос равишда 625,6; 639,2; 650,9; 725,9 ва 702,1 м³/га сувни ўзига сингдирганлиги ҳисобга олинган.

Сидерат экин турларига қараб, тупроқ сув ўтказувчанлигининг ўзгариб бориш қонунияти нафақат дастлабки суғоришда, балки охириги суғориш пайтида ҳам ўз тасдиғини топган. Масалан, ўртача 3 йил давомида ўрганилган вариантларнинг тупроклари дастлабки 3 соат давомида мос равишда 307,1; 312,1; 333,2; 375,7 ва 421,3 м³/га сувни ўзига сингдирган бўлса, бу кўрсаткичлар қуватишнинг кейинги 4-5-6 соатларида бор - йўғи 186,7; 192,5; 214,0; 246,8 ва 280,8 м³/га ни ташкил этган.

Тупроқ намлиги (0-20 см қатлам) 5-йил сидерацияда сидератларни ҳайдашдан олдин (кузда) тажриба вариантлари бўйича 15,8-19,1% бўлиб, назорат-сидератсиз вариантда ўсимлик қоқлами бўлмаганлиги сабабли энг кам, яъни 15,8%ни ташкил этганлиги аниқланган. Сидерат экинлари экилиши, тупроқ юзасининг ўсимлик қоқлами билан қопланганлиги туфайли ушбу вариантларда намлик вариантлар бўйича 1,4-3,3% юқорилиги қайд этилган. Кузги сидерацияда сидератларни ҳайдашдан олдин (бахорда) тупроқнинг 0-20 см қатламидаги намлик тажриба вариантлари бўйича 20,1-23,8%, 20-40 см қатламида эса 22,3-25,9% бўлганлиги аниқланган (2-расм).




2-расм. Сидерациянинг тупроқ намлига таъсири, массасига нисбатан % ҳисобида (2016-2018 йй).

Ҳар иккала муддатдаги сидератлар ичида тупроқ намлигига ижобий таъсири юқорилиги бўйича рапе варианты алоҳида ажралиб турганлигини таъкидлаш лозим.


Ўзани охириги сугориш олдидан ҳам хайдов (0-20 см ва 20-40 см) қатламда сидерат экин сифатида рапе экилган вариантда намлик энг юқори (20,4% ва 23,5%) эканлиги аниқланган. Нисбатан юқори намлик (19,1-22,0%) сидерат учун нўхат экилган вариантда қайд этилган.

Сидератлар қўлланилган вариантларда тупроқ намлигининг етарли бўлиши, яшил биомассани кеска муддатда чириши натижасида тупроқдаги гумус миқдори 3 йилда ўртача 0,005-0,006 %, ялли азот 0,010-0,013 %, ялли фосфор 0,019-0,027% ва калий 0,160-0,200 % га кўпайишига эришилди.

Тадқиқотнинг назорат-сидератсиз вариантыда аммоний шаклидаги азот ($N-NH_4$) миқдори бутун вегетация давомида 1- тажрибада 14,5-28,7 мг/кг, 2- тажрибада 12,8-17,5 мг/кг чегарасида ўзгарган. Ушбу вариантда аммоний шаклидаги азот миқдори эрта баҳордан ёз ойларига қараб ортиб борган, лекин, июль, август ва сентябрь ойларида камайиб, ўсув даври охирида дастлабкига (I,IV) нисбатан ортганлиги кузатилди. Сидератларни қўллаш натижасида тупроқда аммоний шаклидаги азот миқдори сидерат экин турларига қараб кескин ортган.



3-расм. Тупроқ таркибидagi аммоний шаклидаги азот миқдори ва сидерациянинг таъсири, мг/кг (2016-2018 йй.)



4-расм. Тупроқ таркибидagi нитрат шаклидаги азот миқдори ва сидерациянинг таъсири, мг/кг (2016-2018 йй.)

Кузги сидерацияга қараганда ёзги сидерация қўлланилганда аммоний шаклидаги азот миқдори тупроқда ортишига кучли таъсир кўрсатди. Масалан, ёзги сидерацияда горох варианты тупроқлари хайдов қатламида аммоний шаклидаги азот миқдори кузги сидерациядагидан 1 апрелда 2.0 мг/кг, 1 майда 3.5 мг/кг, 1 июнда 8.5 мг/кг, 1 июлда 7.6 мг/кг, 1 августда 7.3 мг/кг, 1 сентябрда 0.8 мг/кг ортик бўлса, бу кўрсаткич нўхат вариантыда юқоридагига мос равишда 1,7; 1,5; 8,1; 7,9; 6,8; 0,8 мг/кг, рапе вариантыда тегишлича 1,9; 2,0; 1,3; 1,2; 1,1; 1,7 мг/кг, арпа вариантыда эса 2,4; 1,2; 5,2; 5,2; 5,3; 2,7 мг/кг ортик бўлганлиги ўтказилган таҳлилларда аниқланган (3-расм).


Сидератларни қўллаш тупроқдаги нитрат шаклидаги азот миқдори ва сидерациянинг таъсири кўрсатган. Дуккакли экинлар тупроқдаги нитрат шаклидаги азот миқдорини кўпроқ оширган. Масалан, назорат-сидератсиз вариантда тупроқдаги нитрат шаклидаги азот миқдори 1 апрелда 15.7 мг/кг, 1 майда 19.41 мг/кг, 1

июлда 20,5 мг/кг, 1 июлда 21,0 мг/кг, 1 августда 19,6 мг/кг, ва 1 сентябрда 18,7 мг/кг бўлган бўлса, рапе вариантыда бу кўрсаткич юқоридагига мос равишда 31,4; 37,5; 42,9; 40,9; 40,4; 33,1 мг/кг, нўхат вариантда тегишлича 26,3; 31,9; 33,1; 32,3; 29,1; 28,3 мг/кг, горох вариантыда мос равишда 21,9; 29,0; 29,4; 27,0; 25,5; 24,8 мг/кг, арпа вариантыда 28,1; 33,8; 38,3; 36,7; 35,5; 31,3 мг/кг ни ташкил этган.


Нитрат шаклидаги азот миқдори ёзги сидерацияда кузги сидерацияга нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатди. Масалан, горох вариантыда нитрат шаклидаги азот миқдори кузги сидерациядагига караганда 1 апрелда 2,4 мг/кг, 1 майда 1,3 мг/кг, 1 июнда 5,1 мг/кг, 1 июлда 7,1 мг/кг, 1 августда 7,1 мг/кг, 1 сентябрда 2,0 мг/кг кўп бўлган бўлса, бу кўрсаткич нўхат вариантыда юқоридагига мос равишда 0,4; 1,0; 5,9; 5,3; 6,9; 0,7 мг/кг, рапеда 2,2; 1,5; 1,6; 2,7; 2,1; 0,9 мг/кг, арпа вариантыда тегишлича 2,0; 1,5; 3,3; 4,6; 3,4; 0,1 мг/кг кўп бўлганлиги аниқланган (4-расм).

Сидератлар қўлланилганда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори бутун ўсув даври давомида назорат-сидератсиз вариантга нисбатан юқори бўлган. Рапе бошқа вариантларга нисбатан тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдорига таъсири кучлироқ бўлган. Масалан, назорат-сидератсиз вариантда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори 1 апрелда 17,4 мг/кг, 1 майда 20,8 мг/кг, 1 июнда 22,2 мг/кг, 1 июлда 19,5 мг/кг, 1 августда 18,2 мг/кг, 1 сентябрда 16,9 мг/кг, горох вариантыда бу кўрсаткич юқоридагига мос равишда 21,2; 24,0; 26,0; 25,0; 23,6; 21,6 мг/кг, нўхат вариантыда тегишлича 22,7; 25,7; 28,0; 27,0; 25,3; 23,2 мг/кг, рапе вариантыда мос равишда 30,9; 35,9; 38,2; 36,3; 33,1; 31,3 мг/кг, арпа вариантыда эса тегишлича 27,3; 30,2; 33,7; 32,4; 30,9; 28,5 мг/кг бўлганлиги кайд этилди. Ёзги муддатдаги дала тажрибаларида тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори янада ортган.

Масалан, кузги сидерацияга нисбатан горох вариантыда ҳаракатчан фосфор миқдори 1 апрелда 5,0 мг/кг, 1 майда 4,7 мг/кг, 1 июнда 5,1 мг/кг, 1 июлда 7,1 мг/кг, 1 августда 4,4 мг/кг, 1 сентябрда 4,6 мг/кг кўп бўлган бўлса, нўхат вариантыда бу кўрсаткич юқоридагига мос равишда 6,6; 6,5; 6,3; 7,1; 6,2; 6,3 мг/кг, рапе вариантыда тегишлича 2,7; 1,4; 2,1; 1,9; 2,2; 2,1 мг/кг, арпа вариантыда эса юқоридагига тегишлича 3,2; 4,0; 3,3; 2,4; 1,1; 1,5 мг/кг кўп бўлганлиги кўрсатиб ўтилган (5-расм).



5-расм. Тупроқ таркибидagi ҳаракатчан фосфор миқдорига сидерациянинг таъсири, мг/кг (2016-2018 йй.)



6-расм. Тупроқ таркибидagi алмашинувчан калий миқдорига сидерациянинг таъсири, мг/кг (2016-2018 йй.)

Тупроқдаги алмашинувчан калийнинг табиий миқдори назорат-сидератсиз вариантда 200-235 мг/кг ни ташкил этиб, эрта баҳордан ёз ойларига қараб ортиб борган. Ғуза ўсиши ва ривожланиши авж олган вақтда эса тупроқда алмашинувчан калий миқдори пасайиши кузатилган. Ўсув даври охирига бориб тупроқда алмашинувчан калий миқдори дастлабқига нисбатан (1.IV) ортган. Масалан, назорат-сидератсиз вариантда тупроқдаги алмашинувчан калий миқдори 1 апрелда 200 мг/кг, 1 майда 215 мг/кг, 1 июнда 235 мг/кг, 1 июлда 225 мг/кг, 1 августда 215 мг/кг, 1 сентябрда 210 мг/кг. бўлган бўлса, горох вариантыда бу кўрсаткич юқоридагига мос равишда 250; 260; 270; 255; 255; 245 мг/кг, нўхат вариантыда тегишлича 255; 275; 295; 275; 275; 260 мг/кг, рапс вариантыда 330; 335; 375; 355; 355; 335 мг/кг, арпа вариантыда мос равишда 310; 328; 355; 327; 325; 320 мг/кг ни ташкил этганлиги аниқланган.

Кузги сидерацияга нисбатан ёзги сидерация натижасида тупроқда алмашинувчан калий миқдори энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Масалан, назорат-сидератсиз вариантда тупроқдаги алмашинувчан калий миқдори деярли фарқланмаганлиги аниқланган бўлса, ёзги сидерация максимида қўлланилган горох вариантыда кузги сидерацияга нисбатан 1 апрель санасида 15 мг/кг, 1 майда 30 мг/кг, 1 июнда 25 мг/кг, 1 июлда 20 мг/кг, 1 августда 20 мг/кг, 1 сентябрда 25 мг/кг кўп бўлганлиги, нўхат вариантыда юқоридагига мос равишда 40; 37; 30; 35; 35; 40 мг/кг кўплиги, рапс вариантыда -5; 5; 0; 0; 5 мг/кг ва арпа вариантыда эса мос равишда 5; 7; 5; 13; 10; 5 мг/кг кўп бўлганлиги қайд қилинган (6-расм).

